

«MA'QULLANGAN»

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK  
«17» 05 2019 y. № 9

ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА  
КАПСИКАМ®

**Препаратнинг савдо номи:** Капсикам®

**Дори шакли:** сиртга қўллаш учун суртма

**Таркиби:**

1 г суртма қўйидагиларни сақлади:

*фаол моддалар:* 50 мг диметилсульфоксид, 30 мг рацемик камфора, 30 мг ҳаётбахш скимида, 20 мг бензилникотинат, 2 мг нонивамид;

*ёрдамчи моддалар:* эмульгирловчи цетостеарил спирти (A тур), натрий цетилстеарилсульфати, полисорбат-80, бронопол, тозаланган сув.

**Таърифи:** ўзига хос камфора ва скимида ҳидли, оқ ёки оч сарғиш тусли оқ рангли суртма.

**Фармакотерапевтик гурухи:** махаллий қитиқловчи восита.

**ATX коди:** M02AX92

**Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамикаси**

Капсикам суртмаси қон томирларни кенгайтирувчи ва сезувчан нервлар охиридаги рецепторларни қитиқловчи моддалар сақлади, шу йўл билан, махаллий қитиқловчи, қиздирувчи ва оғриқ қолдирувчи таъсир кўрсатади. Махаллий қитиқловчи самара орқа мия сегментларида мувофиқ нервлар орқали иннервация қилувчи ички аъзоларнинг қон билан таъминланиши ҳамда трофикасини ўзgartиради ва танлаб таъсир кўрсатган ҳолда, яхшилади. Орқа миянинг тегишли сегментини қўшимча қитиқланниши антиноцицептив тизимнинг қўшимча фаоллашишини чақиради, шу йўл билан оғриқ импульсининг бош мия пўстлоғига ўтишини секинлаштириб, оғрикни камайтиради.

**Фармакокинетикаси**

Терига тез сўрилади, иссиқлик ҳиссини ва терининг қизаришини чақиради, бунинг натижасида мушаклар зўрикиши ва оғриқ камаяди. Тери ҳарорати 1-2C га ортади, самараси 2-3 соат давом этади. Оғриқ қолдирувчи таъсири 30-40 дақиқадан сўнг бошланади ва 3-6 соатгача давом этади.

Тери ҳароратининг ошиши ва қон айланишининг яхшиланиши ревматик ҳолатлар, лат ейишлар, мушаклар чўзилиши ва бошқа спорт травмалари мавжуд ҳолатларда ижобий омил ҳисобланади.

Такроран қўлланилганда, таъсири 10-14 кун сақланиб қолади.

**Қўлланилиши**

Мушак ва бўғим оғрикларида қўлланилади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

*Спорчилар учун қиздирувчи восита сифатида:* тери устига мушаклар соҳасига апликатор ёрдамида 2-3 г суртма суртилади ва тери қизаргунига қадар уқаланади. Машқлардан сўнг суртма совуқ сув билан ювиб ташланади.

*Оғриқни енгиллаштириши учун терининг оғриқли қисмига аппликатор ёрдамида суртилади ва оғриқнинг жадаллигидан келиб чиққан ҳолда 1-3 г суртма кунига 2-3 марта қўлланилади, шу йўл билан иссиқлик самараси кучайтирилади. Ўрта ҳисобда, даволаш курси учун 50-100 г суртма сарф этилади.*

*Суртма ҳар бир қўлланилгандан сўнг қўлларни совуқ сув ва совун билан ювиш керак.  
Болалар: қўллаш тажрибаси йўқ.*

### **Ножўя таъсирлари**

*Ножўя таъсирлар тизимлар ва аъзолар гурухига мувофиқ равища, шунингдек MedDRA га асосан, пайдо бўлиш тез-тезлигига кўра таснифланган: жуда тез-тез ( $>1/10$ ), тез-тез ( $>1/100$  дан  $<1/10$  гача), тез-тез эмас ( $>1/1000$  дан  $<1/100$  гача), кам ҳолларда ( $\geq 1/10\ 000$ ,  $<1/1000$ ), жуда кам ҳолларда ( $<1/10\ 000$ ), тез-тезлиги номаълум (мавжуд маълумотлар асосида аниқлашнинг иложи йўқ).*

#### Иммун тизими томонидан

*Тез-тезлиги номаълум: юқори сезувчанлик реакциялари*

#### Нерв тизими томонидан

*Тез-тезлиги номаълум: терида ачиштириш ҳисси.*

#### Тери ва тери ости тўқималари томонидан

*Кам ҳолларда: қичишиш.*

*Тез-тезлиги номаълум: эшакеми, шиш, тери қизариши.*

Пациент терисининг суртма компонентларига нисбатан юқори сезувчанлигига қичишиш, шиш ёки эшакеми пайдо бўлиши мумкин. Келтирилган симптомлар суртмани қўллаш тўхтатилгандан 8-12 соатдан сўнг йўқолади.

Ножўя таъсирларнинг олдини олиш учун терининг препаратга нисбатан сезувчанлигини текшириш мақсадида кичик миқдордаги суртмани терига суртиб кўриш мақсадга мувофиқ.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- Терининг суртма компонентларидан исталган бирига юқори сезувчанлиги бўлганда;
- яралар ёки тери касалликлари мавжуд бўлганда қўллаш мумкин эмас.

### **Дорилар билан ўзаро таъсири**

Ўзаро таъсирлашиши бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

### **Махсус кўрсатмалар**

Суртмани шикастланган терига суртиш мумкин эмас. Кучли таъсирланишининг олдини олиш учун суртмани кўз ёки шиллиқ қаватларга тушишига йўл кўймаслик керак.

Суртмани қўллашдан аввал ва ундан кейин иссик ҳаммом қабул қилиш тавсия этилмайди, чунки бу тери тешикларининг очилишига ва ачиштириш хиссининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Ёрдамчи моддалар эмульгирловчи цетостеарил спирти (А тур) ва бронопол махаллий тери реакцияларини чақириши мумкин (жумладан, контакт дерматит).

Болалар ва ўсмирларда қўллаш тавсия этилмайди, чунки ушбу ёш гурухларида қўллаш хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича етарли маълумотлар йўқ.

### **Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши**

Суртма ҳомиладорлик ва эмизиш даврларида қўлланилмайди, чунки ушбу вақтда қўллаш хавфсизлиги бўйича тегишли маълумотлар йўқ.

### **Транспорт воситаларини бошқариши ва ҳаракатланувчи механизmlарга хизмат кўрсатиш қобилиятига таъсири**

Капсикам транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlарга хизматга кўрсатиш қобилиятига таъсир қilmайди.

## **Дозанинг ошириб юборилиши**

*Ташқи қўлланилгандағи симптомлари:* жуда катта микдордаги суртма терига суртилганда тери қизариши, енгил ўтиб кетувчи қичишиш ёки ачиштириш ҳисси пайдо бўлиши мумкин.

*Даволаши:* суртмани теридан совуқ сув билан ювиш ташлаш тавсия этилади.

*Беихтиёр ютиб юборилгандағи симптомлари:* кўнгил айниши, қусиш ва диарея; оғир ҳолларда – корин оғриғи, бош оғриғи, бош айланиши, илиқлик/иссиқлик ҳисси, тиришишлар, нафас олишнинг сусайиши ва кома.

*Даволаши:* симптоматик, шифокорга мурожаат қилиш зарур (препарат ўрамини ўзингиз билан олволинг). Оғир захарланиш ҳолатларида қусишини чақириш мумкин эмас.

## **Чиқарилиши:**

30 г ёки 50 г дан алюминийли тубада тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси ва аппликатори билан бирга ташқи қўллаш учун суртма картон кутига жойланади.

## **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Музлатилмасин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

## **Яроқлилик муддати**

2 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач, қўлланилмасин.

## **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

## **Владелец регистрационного удостоверения и производитель**

АО «Гриндекс».

Ул. Крустпилс, 53, Рига, LV-1057, Латвия

Телефон: +371 67083 205

Факс: +371 67083 505

Электронная почта: grindeks@grindeks.lv

## **Наименование и адрес организации, принимающей претензии (предложения) по качеству лекарственных средств на территории Республики Узбекистан**

Представительство АО «Гриндекс» в Республике Узбекистан

г. Ташкент, ул. С Азимова, 51А

Тел.: 236-17-36